



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 176 (11.737)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Саноат

## СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА

Корхона салоҳияти ҳақида гап боргандга, албатта, ижобий натижалар ва сифат кўрсаткичлари алоҳида ўрин тулади. Шу билан бирга ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириб бориш учун ишлаб чиқариши модернизация қилинган, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ҳалқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармок дастурлари изчил амала оширилиши тақозо этилди.

— Сифатли маҳсулот тайёрлаш, ишлаб чиқариши кенгайтириш учун истикбл олайхалар ҳақида ҳам бош котириш лозим, — дейди «Агрегат заводи» акционердорлик жамияти директори ўринбосари Нуриддин Баратов. — Корхонамиз ишлаб чиқариши жараёнишлари текзор, компьютерлаширилган бошқарув кўмакида амалга ошириши имкониятига эга ён замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Биз асан кишлош жўхалигда кенг кўлланиладиган тракторлар учун тиркама ва осма техника, уларга эҳтимал кисмлар ишлаб чиқаримиз. Айтиб ўтиш жоизи, 400 нафардан зиёд

ишли-хизматчиарнинг катта тажрибаси боис деярли барча ишланмалар импорт ўрнини бемалол босади.

Дарҳақиқат, корхонада ишлаб чиқарилаётган турли сеялкалар, вентилятори пуркалилар, тиркамалар, шестерянинасослар, икки погонали цилиндрик редукторлар, пайвандлаш аппараталининг янги авлоди кишлош хўхалигидаги ҳақиқий мададкор бўлмоқда. Жумладан, ўтган ўйни 70 сантиметргача чукурлиқдаги ер катламини тўйинтириш, ишлов берига мўлжалланган мослама ва бетон коришимасини аралаштирувчи янги техника вости

Мухаббат  
ХАБИБУЛЛАЕВА  
Ҳакимикон  
Солиҳов олган сурат

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида эътиқод эркинлигини тъминлаш, миллий ва диний қадриятларни тикилаш ҳамда ривожлантириш, буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш, муқаддас қадамжоларни тъмишланаётган ҳамда ободонлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва бу ишлар изчил давом этмоқда.

## БАГРИКЕНГЛИК, САХОВАТ, МЕХР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

Президентимизнинг куни кечада қабул қилинган «Рамазон ҳайитини нишонлантириши» тўғрисида қарор бунинг яна бир амалий ифодасидир. Миллий қадриятларимизни, эзгу анъаналаримизни, дину динийатимизни тикилаш Юртoshimiz ташабbusi билан ҳали сабоб мустабид тузум ҳуқмронлик кулаёттан кезларда бошланган эди.

Истиклолимизнинг дастлабки кунларидан

нок мамлакатимизда яшаб, меҳнат қўллаётган турли дин ва конфессия вакилларининг эътиқод эркинлигини тъминлаш учун кенг ўй очилиши давлатимиз раҳбари томонидан юритилгаётган адолатли сиёсатнинг амалдаги натижасидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Виздан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги конунда ҳар бир инсон хоҳлаган динга

эътиқод қўлиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қўлмаслик ҳуқуқига эга экани, диний қарашларни мажбуран сингдириша ўйлойтилаштиришни юртимизда жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги тинч-тотув ҳаётини, диний эркинликини тъминлашга хизмат килмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташабbusi ва раҳнамолигида буюк алломаларимизнинг

✓ БУГУН ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Қонунийлик, ҳуқук-тартибот ва фуқаролар хавфисигини тъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиянинг 2010 йилга мўлжалланган иш ўрнинларини ташкил этиши дастури ижросига бағишиланган ийтиш бўлиб ўтди.

✓ БУГУНДАН пойтактилиздаги барча ўрта маҳсус касб-хунар таълими мусассасалари «Софлом она – соглом бола» мавзусида тренинг машгулотлари бошланди. Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали ташабbusi билан ташкил этилаётган ушбу тадбир бир ой давом этади.

✓ МЕҲНАТ ва ахолини ижтимоий химоя килиш бош бошқармаси ва касаба уюшмалари федерацияси ҳамкорлигига мустакиллик йилларидаги ижтимоий химоя тизимида амалга оширилган ишлар мавзусида давра сұхбати бўлиб ўтди.

**XXI садоси**

БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СҮНГИ ХАБАРЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий кутловлар келмоқда.

• Денов туманинда «Охлар» маҳалласида «Бу муксадас Ватанда азизидир инсон» шиори остида ёшлар форуми бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар ташабbusi билан ўтказилган ушбу тадбирда 2 минг нафарга яқин йигит-киз катнашди.

• Йўлсозларнинг саъи-ҳаракатлари билан Бухоро шахрини айланиб ўтвучи беш километрлик узунликдаги замонавий автомагистрал фойдаланишга топширилди. Ромитан тумани йўл хўжалик пурдат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси ушбу объектни ишга тушириш учун 12 миллиард 983,9 миллион сўмлик курилиш ишларини амалга ошириди.

• Ришитон туманинда Қалайнал қишлоғилик ўнта оила мустақиллик байрамини янги куриб битказилган намунивий уйларда нишонлашди. Мазкур шинам уйлар Марғилондаги б-кўчма механизациялашган колонна курувчилари томонидан барбо этилди.

• Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан Марқазий Осиё ҳалқаро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган Марқазий Осиёда қоятоз расмлар ва ёдгорликларни сеърили рақамлаш бўйича иккинчи ҳалқаро минақавий семинар бўлиб ўтди.

• Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида меҳнат қилаётган ёшлар учун Коровулбозор шаҳрида ёшлар уйи бунёд этилиб фойдаланишга топширилди. «Баркамол авлод йили» давлат дастури доирасида курилиш ишларини амалга ошириди.

• Бухоро вилояти Шоғирон тумани марказида янги дехқон бозори очилди. Унинг худудидан дехқон ва фермер хўжаликлари томонидан этиширилган маҳсулотларни сотиши учун 400 та дўкон ва савдо нуқталари ўрин олди. Шунингдек, ҳалқ истеъмоли молларини сотиши учун 150 та савдо нуқтаси ташкил этилди.



**ЖАҲОНДА**

• Молдавияда муддатидан олдин парламент сайловларини 21 ноябрда ўтказиш белгиланди.

• Буюк Британиянинг «Бритиш петро-леум» компанияси ички суриштирув ишларини олиб борганидан сўнг Мексика кўрфазидаги нефть платформасида рўй берган аварияда яна бир неча фирмаларнинг ҳам айби борлигини маълум қилди.

• Бразилияning 11 та штатида куза-тилаётган ўрмон ёнғинлари боис фав-кулодда ҳолат ўзлонганини көрсатади. Бразилия табиатни муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотига қараганда, хозирга қадар ёнғин 12,5 минг гектар майдонга зарар етказган.

• Кечакирикайига учта кемага Сомали қарокчилари ҳужум уюштиришиб, биттасини гаровга олишга мувafferак бўлишиди.

• Кечакирикайига учта кемага Сомали қарокчилари ҳужум уюштиришиб, биттасини гаровга олишга мувafferак бўлишиди.

• Гондураснинг Сан-Петро-Сула шаҳрида пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонада босқинчилик содир этилди. Бир гурух куролланган кимсалар корхонага бостириб кириб, хизматчилари ўқса тутиси натижасида 13 нафар ишчи воеа жойида ҳётдан кўз юмди. Икки нафари қасалхонада вафот этилди, 4 киши эса жароҳатланди.

• Индонезиянинг Суматра оролида 400 йилдан узок вақт давомида «ўйкуда» бўлган Синабунг вулканни яна отила бошлади. Дастрлабки дақиқалардан олар вулкан тутуни ва кули юзлаб метр юқорига отилди, қайнок лава ҳам юзага чиқа бошлади. Натижада 12 минг киши ўз уйларини ташлаб ҳавфзис жойларга кўчишга мажбур бўлди.





